O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 24 январь, шанба • № 7 (10.990) • Эркин нархда сотилади

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ, МАСЪУЛИЯТ

ИЛГАРИ хабар берганимиздек, шу йилнинг 20 январь куни Тошкент вилоятининг 1997 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунари ва ислоҳотларнинг 1998 йилдаги истиқбол кўрсаткичлари масаласига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу тармоқ, корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари, ҳар биримиздан янгича ишлашни, изланишни, оқилона ҳаракат қилишни талаб этади. Бусиз иқтисодий тараққиётда олға силжиш, халқ хўжалиги таркибида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, энг муҳими, халқ турмуши фаровонлигини яхшилаш мумкин эмас. Шунинг учун ўтган йил натижаларини чуқур таҳлил этиб, унга танқидий ёндошиш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганиш ва истиқболдаги асосий вазифаларни белгилаб олиш зарур бўлади.

Вилоят фаолларининг 1997 йил якуни ва 1998 йил учун белгиланган истиқбол кўрсаткичларини муҳокама этишга бағишланган йиғилишида масалага айнан ана шундай ёндошилди.

Республикада ўзининг катта салоҳияти ва ўрнига эга бўлган Тошкент вилоятида 1997 йилда халқ хўжалигининг барча соҳаларида сезиларли ўзгаришлар бўлди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, янги иш жойлари очиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари кўрсаткичларининг ўсишини таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш, хонадонларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражасини кўтариш, иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг бажарилишини назорат қилишга асосий эътибор қаратилди.

Ана шу ишларнинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда вилоятдаги барча мулк шаклидаги 9081 та

Таҳлил ва сабоқ

корхона ва ташкилотнинг 7981 таси нодавлат секторига ўтказилди. Уларнинг сони 1996 йилга нисбатан 323 тага кўпайди. Бугунги кунда бу корхоналарда 356 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 3113,2 миллион сўмлиги кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Бир йил ичида вилоятдаги тадбиркорлар сафи 1639 нафарга кўпайди. Йил давомида ҳиссадорлик жамиятларининг 194,5 миллион сўмлик қимматли қоғозлари сотилди. Кимошди ва биржа савдоларини ўтказиш кенгайиб бормоқда.

Якунланган йилда молиявий аҳволни барқарорлаштириш, бу борада интизомни мустаҳкамлаш, ўзаро қарзларни камайтириш, эмиссияни бартараф этиш, бюджет тўловлари ва солиқларни ўз вақтида адо этиш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида маҳаллий бюджетнинг даромад қисми ортиғи билан бажарилди. Қўшимча 526 миллион сўм маблағ тушди. Эмиссия даражаси 2,4 фоизни ташкил этди. Бу режалаштирилганига нисбатан 19,2 фоиз кам деган сўздир.

Саноатда ўсиш суръати 106,4 фоизга етди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 73,3 фоизи нодавлат секторида тайёрланди. Металлургия, ёқилғи-энергетика саноати мажмуаларида ўсиш суръатлари, айниқса, сезиларли бўлди. 1996 йилга нисбатан кўмир қазиб чиқариш 125 минг тоннага, электр қуввати ишлаб чиқариш 965 млн. квт.-соатга кўпайди. Ички истеъмол бозорини тўлдириш, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи молларни кўпайтириш юзасидан олиб борилган тадбирлар ўзининг самарасини бермоқда. 1997 йилда вилоят корхоналари, тадбиркорлик тизимлари ва ёрдамчи хўжаликларда 27,9 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, 1996 йилга нисбатан 21,6 фоиз ўсиш таъминланди. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 14,9 фоизга, маиший хизматлар ҳажмининг 33,1 фоизга ўсиши таъминланди. Якунланган йилда вилоят ташқи иқтисодий фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ташқи савдо ҳажми 684,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

1997 йилда вилоят шаҳар ва туманларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 3,7 фоизга кўпайди. Инсон манфаатлари йилида 559,5 километр узунликдаги газ қувурлари, 100 километрдан ортиқ ичимлик суви қувурлари фойдаланишга топширилди. Фуқаролар-

(Давоми 2-бетда).



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

445 МИНГ ТОННАГА ЕТКАЗИЛДИ

ЧИРЧИҚДАГИ "Электркимёсаноати" комбинати ишчи-хизматчилари асосий маҳсулотлардан бири — аммиак селитраси тайёрлашни кўпайтиришда дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган бундай маъданли ўғит ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бунга ёрдам бермоқда. Шу туфайли ўтган йили мамлакатимиз пахтакорларига ва хорижий буюртмачиларга жами 444 минг 740 тонна ер "ҳамиртуруши" етказиб берилди. Бу йиллик режажа назарда тутилганидан деярли беш минг тонна кўпдир. Маъданли ўғит ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши олдинги йилдагига нисбатан 1,1 фоизни ташкил этди.

Собир ҲАМИДОВ.

"БАХТЛИ ТАСОДИФ" СОВРИНДОРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Халқ демократик партияси Янгийўл шаҳар кенгаши ёшларнинг бўш вақтларидан оқилона фойдаланишларига алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда шаҳардаги тиббиёт коллежининг "Омад" ва технология билим юртининг "Тинчлик" гуруҳлари ўртасида бўлиб ўтган "Бахтли тасодиф" кўрик-танлови бунга яққол далил бўла олади. Унда иқтидорлилар беллашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати тиббиёт коллежининг "Омад" гуруҳини ғолиб деб топди. Ғолибларга Ўзбекистон ХДП шаҳар бўлими ҳамда кўрик-танлов ҳомийси "Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти"нинг эсдалик совғалари топширилди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА.

"АЛОВУДДИН"НИНГ ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

РЕСПУБЛИКА бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган йили ўтказилган "Юлдузча" кўрик-танлови ғолиблари ва ёш ҳаваскорлардан иборат "Аловуддин" шоу-гуруҳи дастаси ташкил этилган эди. Унинг қатнашчилари дастлабки қадамларини Чирчиқдан бошладилар. Бу ерда болалар учун хайрия концерти бердилар.

Шаҳардаги кимёгарлар маданият саройига 14-болалар уйида тарбияланаётганлар, шунингдек, юзлаб ўқувчилар тўпландилар. Яккахон ёш хонандалар Зиёда Фозилова, Нилуфар Расулмуҳамедова, Сергей Раҳматов, Яна Диваевалар ижро этган қўшиқлар ҳаммага манзур бўлди. Рақсосалар Комила Фозилова, Анна Бондаревскаялар ҳам ўзларининг чиқишлари билан ёш томошабинларни ҳушнуд этдилар.

Болалар уйи директори Виссарион Дмитриевич Цой хайрия концерти ҳомийларига миннатдорчилик изҳор этди.

Салимахон ЖАМИЛОВА.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

ЯНГИЙЎЛ туманида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг кенгайтирилган ҳудудий йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Оққўрғон, Зангиота, Янгийўл, Қуйичирчиқ туманларининг табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари фаоллари иштирок этишди.

Йиғилишда ташкилотнинг 1997 йилда амалга оширган ишлари ҳамда 1998 йилдаги режа ва вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

ГУЗАРЛАР КЎПАЯДИ

"МАҲАЛЛА" ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг сарҳисобига кўра қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида "Оила" йили алоҳида ўрин тутади.

Беш йил мобайнида қад ростлаган 36 гузардан 20 таси Инсон манфаатлари йилида бунёд этилган бўлса, бу йил ундан ҳам кўпроқ гузарлар барпо қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, мавжуд маҳаллаларнинг 42 тасида фойдаланишга топширилган оталар чойхонаси, 37 та сартарошхона ёнига қатор янги маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам қўшилади. Гузарлар қуришга, айниқса, янги шаклланган 24 маҳаллада кўпроқ эътибор берилади.

Санд ВАЛИЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

БИРИНЧИ чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг VI сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги маҳкамаси гуруҳ ва котибият раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирок этдилар.

Сессияни 35-Оққўрғон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимининг муовини, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Уммат Мирзақулов бошқарди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Сайлов тўғрисидаги қонуни"нинг 22-моддасига мувофиқ, ўрни бўшаб қолган 166-Зафар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

51-Жумабозор сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Ҳайдар Бобохонов сўзга чиқиб, 166-Зафар сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига вилоят ҳокими Эркин Маҳмудович Рўзиев номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритди.

Сессия иштирокчилари Эркин Маҳмудович Рўзиев номзодини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Сессияда кун тартибидаги масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ХУШХАБАР ИСПАНИЯДАН КЕЛДИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган руҳ, мис, молибден, мис купороси ва бошқа маҳсулотлар сифатлилиги билан жаҳон бозорида юқори баҳоланаяпти. Яқинда бунинг исботи тариқасида Испаниянинг пойтахти — Мадрид шаҳридаги "Мелео—Кастилиа" меҳмонхонасида дунёдаги 186 та мамлакат корхоналари вакиллари иштирок этган халқаро йиғинда комбинатга "Савдодаги муваффақиятлари учун" Олтин соврини тақдим этилди.

Ольга БЛИНКОВА.

ЧИРЧИҚ шаҳридаги ўзбек-олмон пойабзалчилари ҳамкорлик қилаётган "Кибо" қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Корхона жамоаси тайёрлаган сифатли пойабзалларни бугунги кунда республикамиз аҳолиси, айниқса, болажонларимиз яхши билишади.

Ўтган қисқа даврда "Кибо" қўшма корхонаси 12 турдаги 210 минг жуфт болалар пойабзалларини ишлаб чиқаришга улгурди. Хуллас, олмонларнинг пухталиги, ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги ва болапарварлиги "Кибо" парвозига қўшқанот бўлаётир.

Суратда: Илғор қолипловчи Дилфуза Маҳаматкаримовани кўриб турибсиз. Болалар пойабзалларининг пишиқ ва бежирим қилиб тикилишида Дилфузанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Туломова бошқарди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг ўтган йилги фаолияти натижалари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 19 февралдаги қарорининг мажмуа тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилишининг якунлари муҳокама этилди. Ана шу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг мудири О. Мусурмонованинг маърузаси, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Эҳтиёжманд ва кўп болали оилалар, қаровчисиз ҳамда ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Айни вақтда жойларда хотин-қизларни соғломлаштириш, балоғатга етмаган қизларни турмушга тайёрлаш каби масалаларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмаётир. Жумладан, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятлар котибиятларининг бу борадаги ишини ҳозирги кун талаби даражасида, деб бўлмайди. Оила йили, деб эълон қилинган ушбу йилда оила муқаддаслиги ва мустаҳкамлигини сақлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилашга эришиш хотин-қизлар ташкилотларининг энг муҳим вазифаси бўлмоғи зарур. Зеро, оила мустаҳкамлиги жамият равнақи демакдир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИНИНГ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Республика Қонунининг 11, 12 ва 45-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги тартибда тузилсин:

166-ЗАФАР САЙЛОВ ОКРУГИ

КОМИССИЯ РАИСИ:

Абдубакиров Одилжон Собирович — Бекобод тумани 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи.

РАИС ЎРИНБОСАРИ:

Жумабоева Донохон Норжигитовна — Бекобод туман хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари.

КОМИССИЯ КОТИБИ:

Усмонов Собир Солиевич — Зафар қўрғони фуқаролар йиғинининг ҳисобчи-ғазначиси.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Бобоева Соҳибахон Оттаевна — Бекобод тумани «Далварзин» жамоа хўжалиги иқтисодчиси;

Бойжигитов Абдуваҳоб Нишонович — Бекобод тумани "Ғалаба" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси;

Давронов Абдумутал Аҳматович — Бекобод тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги аъзоси;

Қубаев Муродилло Қубаевич — Бекобод тумани 32-мактаб директори;

Фармонова Зулфинисо — Бекобод тумани марказий шифохонаси акушери;

Эркабоев Юсуф Аҳматович — Бекобод тумани "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги ҳисобчиси.

170-КИЗҒАЛДОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

КОМИССИЯ РАИСИ:

Тўлаганов Обиджон Ибрагимович — Тошкент тумани йўл қурилиши бошқармасининг бошлиғи.

РАИС ЎРИНБОСАРИ:

Абдужалилов Абдурахмон Абдуқаюмович — Тошкент тумани электр тармоғининг катта устаси.

КОМИССИЯ КОТИБИ:

Шарипова Яшна Турдиалиевна — Тошкент тумани 31-мактаб директори.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Абдувалиев Алишер Абдусапиевич — Тошкент тумани Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигининг ҳисобчиси;

Абдураимова Мавжуда Тоҳировна — Тошкент тумани статистика бўлимининг бошлиғи;

Боймуҳамедов Баҳодир Нодировичч — Тошкент тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги раиси;

Турсинбоев Анвар Акбарович — Тошкент тумани меҳнат биржасининг мутахассиси;

Ҳамидова Озода Набиевна — Тошкент тумани санитария эпидемиология бўлимининг врачи;

Эргашев Анвар Соатович — Тошкент тумани 11-мактаб директорининг ўринбосари.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари Ч. МУҚИМОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг котиби А. АНОРҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 20 январь.

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ, МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг шахсий сармоялари ҳисобига 371,1 минг квадрат метр янги уй-жойлар қурилди. Қишлоқларни ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастурининг 1997 йил учун белгиланган топшириқлари ортиғи билан бажарилди.

1997 йилда вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Ғалла, шоли, пилла сотиш буюртмалари бажарилди. 1996 йилга нисбатан гўшт, сут етиштириш ва сотиш, чорва моллари бош сонини кўпайтиришга эришилди.

Фаоллар йиғилишида келтирилган бу факт ва рақамлар вилоятда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси, албатта. Лекин, жуда катта салоҳиятга эга бўлган Тошкент вилоятининг имкониятларини ҳисобга олганда, бу натижалар янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Ана шунинг учун ҳам йил якуни таҳлил этилар экан, асосий диққат-эътибор йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга, 1998 йилдаги асосий устувор вазифаларни белгилаб олишга қаратилди.

Дарҳақиқат, вилоятда корхоналарни акциялаштириш топшириғи бажарилган бўлса-да, қимматли қоғозлар бозори, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришда ҳали камчиликлар кўп. Мулк шаклини ўзгартирган барча корхоналарда ҳам кутилган натижаларга эришилмаяпти. Айримларида ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб бормоқда. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Зангиота, Қибрай туманларида объектларни давлат тасарруфидан чиқариш топшириғи бажарилмади. Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Паркент туманларида қурилиши тугалланмаган объектларни сотишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Бозор инфратузилмасини шакллантиришда банк, молия ва суғурта тизимлари ҳали ўзларининг тўлиқ жойларини топа олмадилар.

Вилоятда нақд пул эмиссияси даражасини кескин қисқартиришга эришилган бир пайтда айрим туман ва шаҳарларда у юқорилигича қолмоқда. Қатор туман, шаҳар, корхоналарда молиявий аҳвол мураккаб бўлиб, ўзаро ҳисоб-китоб жараёнлари ва тўловлар ҳамон долзарб муаммога айланмоқда. Сўнгги пайтда Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кескин ўсиб бораётганлиги, айниқса, ташвишлидир.

Таҳлил ва сабоқ

1997 йилнинг ноябрь ойида статистика идоралари томонидан ўтказилган таҳлиллар вилоят корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан атиги 61,4 фоиз даражада фойдаланилаётганлигини кўрсатди. Бу корхоналарнинг 48 фоизида хом ашё ва материаллар таъминотида қийинчиликлар юз бераётган бўлса, 44 фоизида тайёр маҳсулотлар сотишда мушкулликлар борлиги маълум бўлди.

1997 йилда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Қишлоқларда ислоҳотлар суст бормоқда. Айрим туман, хўжаликларда эса у расмиятчилик учунгина амалга оширилмоқда.

Фаоллар йиғилишида яқинда бу масала халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бешинчи сессиясида кўриб чиқилганлиги, вазиятга очиқ баҳо берилганлиги ҳамда уларни тузатиш ва 1998 йилда амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар белгилаб олинганлиги таъкидланди.

Бугун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар биринчи навбатда ўз молларини сотиш юзасидан контрактация шартномалари тузиш ишларини тартибга солишлари керак. Афсуски, корхоналарда 1998 йилга буюртмачилар билан тузилган контрактация шартномалари оқсамоқда. Хусусан, бу Ўртачирчиқда 2,5, Паркентда 3,4, Бўстонлиқда 19, Бекободда 26,4 фоизни, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарларида 7,9 ва 33,5 фоизни ташкил этмоқда. Вилоятдаги айрим йирик корхоналарнинг ҳанузгача бирорта шартнома тузмаганликлари ачинарли ҳолдир.

Фаоллар йиғилишида кенг ўрин берилган яна бир масала тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бу — 1998 йилда вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдир. Афсуски, 1997 йил таҳлиллари айрим шаҳар ва туманларда бу тармоқни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатди. Тадбиркорларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, истиқболли бизнес-режалар асосида ривожлантириш, ички маблағларни, банк кредитларини жалб этиш энг муҳим вазифалардир, деб белгиланди. Дарҳақиқат, макроиқтисодиётни шакллантириш, бунда хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнесга биринчи даражали аҳамият бериш мамлакатимизда стратегик йўналишлардан бири қилиб қўйилган экан, бу масала ҳеч бир раҳбарни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Йиғилишда яна бир масалага алоҳида урғу берилди. Вилоятда ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, белгиланган тадбир ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаш 1998 йилнинг асосий шиори бўлади. Шу мақсадда вилоятнинг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қуйидаги асосий истиқбол кўрсаткичлари белгиланди:

— биринчидан — 1998 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1997 йилга нисбатан 10 фоизга ўстириш;

— иккинчидан — истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатларини 110 фоизга етказиш;

— учинчидан — халқ хўжалиги тармоқларида капитал сармоялар ҳажмини барча молиявий манбалар ҳисобига 1997 йилга нисбатан 29,4 фоизга кўпайтириш;

— тўртинчидан — транспорт ва алоқа тармоқларида даромадларни 5,6 фоизга етказиш, электр, алоқа, почта хизматлари ҳажмларини 3 фоизга ошириш;

— бешинчидан — қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 60,5 миллиард сўмга етказиш ва 1997 йилга нисбатан бу кўрсаткични 8,3 фоизга кўпайтириш;

— олтинчидан — вилоят ташқи савдо оборотини 790,3 миллион АҚШ долларига етказиш;

— еттинчидан — айланма товар ҳажмини аҳоли жон бошига 3,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмини 4,3 фоизга ошириш;

— саккизинчидан — 1998 йилда вилоятда нақд пул эмиссиясига барҳам бериш;

— тўққизинчидан — шаҳар ва туманларда 35,5 минг янги иш жойлари, бунинг 25,4 мингини бевосита қишлоқ жойларида ташкил этиш.

Шунингдек, фаоллар йиғилишида жойларда Оила йили муносабати билан тузилажак дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ҳам қатъий фикрлар билдирилди.

Кўриниб турибдики, 1998 йилда вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифаларнинг кўлами кенг ва каттадир. Уларни бажариш осон эмас. Шунинг учун ҳам бу ҳар бир туман ва шаҳарда, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликда яна бир бор эришилган натижаларни таҳлил этиб, хулоса чиқариб ишлашни, ислоҳотларни амалга оширишни, раҳбарлардан ва ҳар бир кишидан зиммаларидаги масъулиятни ҳис этишни талаб этади. Зеро, истиқболдаги бу режалар, ишлар ва йўналишлар замирида фуқароларимиз манфаати, оилаларимизнинг фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар ётибди.



***Бунёдкор қўллар.** Пойтахтимизнинг бугунги чиройига разм солиб, бу икки оғиз сўзни алоҳида меҳр, ўзгача қалб ҳарорати билан айтгинг келади. Сўнгги йиллар ичида бу қўллар яратган кўркам уй-жойлар, кўкка бўй чўзган маъмурий бинолар, маданият муассасалари, маиший хизмат, савдо шахобчалари, шаффоф сувларидан ҳарир парда ясаб, кўзга қувонч бахш этувчи фавворалар шаҳримиз ҳуснига олам-олам ҳусн қўшмоқда.*

Ҳа, Тошкентда қад кўтараётган кўркам қурилишларни санаб тугатиб бўлмайди. Улардан бири хорижликлар билан ҳамкорликда 39-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан Ҳамза туманида қад ростлаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" бўлимининг муҳташам биносидир. Бошқарма ишчилари уни жадал суръатлар билан қуряптилар. Ниятлари улуғ — шу йил охирига битказиб, эгаларига топшириш.

Суратда: бошқарманинг илғор бунёдкорлари (чапдан ўнгга) К. Анисимов, Д. Данилов, участка бошлиғи — Б. Юнусов ҳамда Р. Эрметовлар ўзаро мулоқотда.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.



МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

СЕЯЛКАЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Самарқанддаги "Кинап" ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган йили 520 дона сеялка ишлаб чиқарилган эди. Чигитни плёнка остига экишга мосланган бундай техника воситалари нафақат Самарқанд вилояти, балки Қашқадарё, Жиззах пахтакорларига ҳам қўл келди. Энг муҳими, "Кинап" маҳсулоти арзон ва сифатлилиги билан бошқа турдош корхоналарникига қараганда афзалроқ. Бирлашма конструктор ва технологлари сеялкани янада такомиллаштириш борасида изланмоқдалар.

ЯПОН УСКУНАЛАРИ НУКУСДА

Нукус шаҳар электр алоқа тармоқлари корхонасида Японияниг "Нек" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Янги техника дастлаб шаҳарлараро автомат телефон алоқа станциясида монтаж қилинмоқда. Шунингдек, 2, 4-АТСлар ҳам реконструкция қилиниб, кунчиқар мамлакатидан келтирилган ускуналар билан жиҳозланади. Япониялик мутахассислар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиб, шаҳардаги қолган телефон станцияларини ҳам замонавий техника билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

САРА УРУҒ ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистонда ўтган йили 6 минг гектар майдонга пленка остига чигит экилиб, яхши натижаларга эришилди. Оролбўйи деҳқонлари бу йил "Андижон усули"да чигит экиладиган ерларни 30 минг гектарга етказишни мўлжалламоқда. Бунинг учун 3 минг тоннага яқин туксизлантирилган чигит зарур. Бундай уруғлик Халқобод ва Мангит пахта тозалаш корхоналари томонидан тайёрланади. Корхоналарда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Уларда ҳозирланган туксиз чигитнинг бир қисми Жиззах ва Сирдарё вилоятлари хўжаликларига ҳам жўнатилади.

БАЛИҚЧИЛАР ЮТУҒИ

Мўйноқ туманидаги "Қозоқдарёбалиқ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йил якунларига кўра, "Қорақалпоқбалиқ" бирлашмаси тизимидаги хўжаликлар орасида энг юқори натижаларни қўлга киритди. Балиқчилар йилни бир миллион сўм соф фойда билан якунлаб, истеъмолчиларга режадагидан деярли 20 фоиз ортиқ балиқ етказиб берди. Жамоа аъзолари ҳозирги кунда қишки балиқ овини самарали ўтказмоқда.

ЎзА мухбирлари.

● Қишлоқда ислоҳот қандай бораяпти? ●

Инсон манфаатлари йили билан уйғунлашиб кетган оила йили айни пайтда қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини кескин чуқурлаштириш йили ҳам бўлиб қолаяпти. Республика Президенти мамлакат Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу соҳада қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. Деҳқончиликда уруғчилик ишларини яхшилаш, тегишли агротехнологияларга қатъий риоя қилиш, механизациялаш ва ҳимиялаш муаммоларини ҳал этиш, деҳқон меҳнатини ташкил қилиш тизимини тубдан ўзгартириш, меҳнатнинг пировард натижалари билан боғлиқ ҳолда иқтисодий манфаатдорлик омилларини жорий этиш, ерга эгалик қилишнинг янги тизимларига ўтиш ислоҳотларнинг асосий шартлари қилиб қўйилди. Хўш, вилоятимиз туманларида бу соҳада қандай ишлар олиб бориляпти? Газетамиз "ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?" рукни остида йил мобайнида туманларда бу муҳим соҳада амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб боради. Бугун эса Оққўрғон тумани хўжаликларида ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги тадбирлар ҳақидаги мақола эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

БИЗГА ЕРНИНГ, МУЛКНИНГ СОҲИБЛАРИ КЕРАК

1998 йилдан бошлаб Оққўрғон тумани хўжаликлари тўлиқ бошқарувнинг пай, уюшма, ширкат ва пудрат усулига ўтишга қарор қилдилар

ЮРТБОШИМИЗНИНГ Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида етилган ва энг долзарб вазифалар кенг қамраб олингани билан қишлоқда яшайдиган барча аҳолининг дилига чуқур кириб борди. Мен Президентимиз нутқини синчиклаб ўқиб, ўрганиб чиқдим. Чиндан ҳам қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш билан боғлиқ кўплаб муҳим имкониятлар ҳали тўла ишга солинмаяпти, бозор ислоҳотларини амалга оширишда дуч келинаётган муаммоларни ҳал қилиш учун барча омиллардан самарали фойдаланилаётгани йўқ. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар ва мулк эгаларини шакллантириш йўли билангина ерга, мулкка, меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартириш мумкин. Зотан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан асосий мақсад ҳам ана шу.

Туманимиз фаолларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида шу йўналишда туман хўжаликлари олдида турган вазифаларни атрофлича муҳокама қилдик. Бошқарма ва хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, бўлим ва бригада бошлиқлари қишлоқда ислоҳотни амалга ошириш юзасидан ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни рағбатлантириш, хўжалик ички иқтисодий муносабатларини ўзгартиришда эскича усул ва услубларга чек қўйилмаётганлиги, бошқарувнинг эски усуллари ҳалигача давом этаётгани каби муаммоларга етарли эътибор берилмаётганлигини тан олдилар. Биз фаоллар йиғилишида айтилган бу таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқдик ва ҳар бир жамоа хўжалигининг ўз шароитини ҳисобга олган ҳолда қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан белгилаган тадбирларига жиддий ўзгартиришлар киритдик.

Тўғри, Оққўрғон тумани хўжаликлари азалдан деҳқончиликда бой тажрибага эгалиги билан ажралиб туради. Бу ерда ҳамиша уруғчилик, механизациялаш, кимёвий воситалардан фойдаланиш, хўжаликларда ерни шудгорлаш, экиш ишлари, экинни озиқлантириш, суғориш, ўтоқ ва чопиқ қилиш каби агротехнология ишлари вақтида ўтказилади. Ана шу омилларга риоя қилингани сабабли ҳам ўтган йили дўл ва жала ёғиб, экинлар июнь ойигача қайта-қайта экилганига қарамай, мўл ҳосил етиштиришга эришилди. Деярли барча хўжаликларда пахта тайёрлаш режаси муваффақиятли бажарилди. Бошқа экинлардан ҳам яхши ҳосил олдик. Ерга қор тушгунга қадар экин майдонлари минерал ва маҳаллий ўғитлар солиб, шудгорлаб қўйилди.

Туманимизда 13 та жамоа хўжалиги бор. Улар 25 минг гектар ерда деҳқончилик қиладилар. Эндиги вазифа эса бу хўжаликларда ислоҳотни амалга ошириш, ер ва мулкка эгалик масаласини тўла ҳал этишдан иборатдир. Биз янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ бу ишга киришдик. *Собиқ жамоа хўжаликлари қишлоқ аҳолиси истаган тартибда корпорация, деҳқон-фермерлар уюшмаси, ширкатлар бирлашмаси, ҳиссадорлик жамияти, пайчилар уюшмаси каби бошқарув тизимига ўтмоқдалар.* Шунингдек ҳокимият ва қишлоқ хўжалик корхоналари биргаликда ерга эгалик қилиш тизимини ҳам ишлаб чиқиб, барча экин майдонларини ўзаро шартномалар тузиб, ўн йил муддатга оилавий пудратчилар ўртасида тақсимлаб беряпти. Хўжалик бошқаруви билан ҳар бир оила бошлиғи ўртасида тузилган шартнома ҳуқуқий субъект сифатида улар орасидаги барча муносабатларни қамраб олиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифати, нархи, олинадиган даромадни ўзида акс эттиради.

Оилавий пудрат бошқа шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, унинг иқтисодий механизми унчалик мураккаб бўлмай, қўшимча харажатларсиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришга сарфланадиган харажатни камайтириш, даромадни кўпайтириш имконини беради. Ижарачилар етиштирган маҳсулот ва ўз меҳнатининг тўлақонли эгаси бўладилар.

Туманимиз хўжаликларида ерларни тақсимлаш оилаларнинг имкониятларига қараб экин турлари бўйича, яъни, чигит экиладиган майдонларнинг уч гектаридан кам бўлмаган миқдорида, ғалла ва озуқа экинлари майдонлари 10 гектар ва ундан кўпроқ қилиб бириктилмоқда. Жами майдонларнинг 7413 гектари бошоқли дон экилган ерлардир. Улар 890 оила билан тузилган шартнома асосида пудратчиларга бўлиб берилди. Пахта етиштириладиган 14 минг 710 гектар майдонларни пудратга олган 5200 оила билан ҳам ўзаро шартнома тузилди. Қолган майдонлар эса экин турлари бўйича 360 оила ўртасида тақсимланди. *Шу тариқа туман ҳудудида 6450 оиладан иборат ер эгалари вужудга келди.* Улар оилавий пудрат бўйича меҳнат қиладиган 5558 нафар ишчи кучларини ҳам қўшимча тарзда ўзларига бириктирганлар. Шундай қилиб, тумандаги оилаларга бириктилган экин майдонларида жами 12008 киши деҳқончилик билан шуғулланади. Жумладан, ғаллачилик соҳасида 890 киши асосий ва 519 киши қўшимча, пахтачиликда 5200 киши асосий ва 4675 киши қўшимча, қолган соҳаларда эса 360 киши асосий ва 364 киши қўшимча ишчи кучлари ҳисобланадилар. Бошқача айтганда, бу йил 6450 нафар ер эгалари билан бирга 5558 нафар оила аъзолари ҳам ёнма-ён туриб деҳқончилик билан шуғулланадилар. *Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг ерга эгалик қилиши, оила таркибидаги ишламайдиган аъзоларнинг ҳам эркин меҳнат қилиши учун имконият яратади.*

Ерга эгалик мулкдорлар синфи пайдо бўлгач, оиланинг ўз меҳнати эвазига етиштирган маҳсулотига эгалик қилиши, ер, мулк ва меҳнатдан манфаатдор бўлиши учун зарур шароитлар вужудга келтиради.

Хўш, ер ва мулк эгаси бозор шароитида ўзи етиштирган маҳсулотини қай тарзда сотади ва унинг даромади қандай белгиланади?

Туман ҳокимлиги ва етук мутахассислар иштирокида масаланинг ана шу муҳим жиҳатлари ҳам ўз ечими топди. *Бундан буён ҳар бир ер эгаси ўзи етиштирган маҳсулотини тайёрлов корхоналарига ўзи топширадиган бўлади. Улар оладиган даромадлар эса маҳсулот сотишдан тушган маблағнинг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорида, бошқача айтганда пахтачилик соҳасида сотилган маҳсулотнинг ҳар юз минг сўмидан 30 минг сўми иш ҳақи тарзида ажратилади.* Шунингдек бошқа турдаги маҳсулотлар етиштирилганида ҳам меҳнатнинг оғир ёки енгиллигига қараб иш ҳақи белгиланади.

Булардан ташқари пахтачилик соҳасида режани бажарган хўжалик ихтиёрида қолдириладиган чигитдан ишлаб чиқарилган ёғ, кунжара, шелуха ва кир совунларнинг дастлаб 30 фоиздан кам бўлмаган миқдори ҳам ер эгасига ажратилади. Бу маҳсулотларнинг қолган қисми йилнинг якуни чиқарилгач пайчилар йиғилишида қайта тақсимланади. Деҳқончиликнинг бошқа соҳалари билан шуғулланадиган ер эгаси белгиланган режадан ташқари тайёрланган маҳсулотини натура ҳолида ҳам олиши мумкин.

Оилавий пудрат усули жорий этилган жойларда ер эгалари режадан ошириб топширган пахта ҳосилини сотишдан тушган даромаднинг камида 60 фоиз қисмини меҳнат ҳақи тарзида оладилар. Ана шунинг учун ҳам пудратчилар қилган меҳнати эвазига кўпроқ манфаат кўриш мақсадида йил бошидан бошлаб фақат режани қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учунгина эмас, балки режадан ошириб кўпроқ маҳсулот етиштириш учун жон куйдириб меҳнат қиладилар.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотни чуқурлаштиришнинг бу ўзига хос йўналиши қишлоқда ер эгалари билан бирга мулкдорлар синфини ҳам вужудга келтиради. *Туманда мулкчиликнинг пай усули жорий этилган жойларда барча асосий ишлаб чиқариш воситалари қайта баҳоланиб, хўжалик аъзоларининг қилган меҳнатига ва маълум даврда олган иш ҳақига қараб тақсимланади ҳамда бу мулкий пай деб ҳисобланади. Ана шу тарзда туман қишлоқларида 25 минг нафардан зиёд мулкдор оилалар ташкил топади.* Улар ҳар бир йилнинг якуни бўйича ўзларидаги пай улушларига қараб дивидендлар ҳам оладилар. Бу ер эгалари ва мулкдорлар оладиган яна бир даромад манбаи ҳам бўлиб қолади. Шу тариқа мулк эгаси нафақахўр ёки бошқа жойда ишлашидан, ер эгасими ёки эгаси эмасми, бундан қатъий назар хўжаликнинг тобора равнақ топиб бориши ва сердаромад бўлиши учун жон куйдирадилар. Чунки хўжаликнинг якуний даромадида уларнинг ҳам ўз улушлари бўлади.

Ерга эгалик келтирадиган ушбу даромад манбалари фақат шу билан чегараланиб қолмайди. Шу кунлада туманда уларнинг яна бир қатор даромад манбаларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Хўш, бу қандай манба? Унга, айтайлик, сифатли меҳнат қилиб, сарф-харажатларни камайтиришдан манфаатдор бўлиш воситалари қамраб олинади. Чунончи, хўжаликлар харажатларни лимитланган чеклар орқали назорат қилиш усулида ишлашга ўтадилар. Бошқача айтганда ҳар бир ер эгасига технологик карталар асосида харажатлар ҳажми лимитланиб, чеклар ёзиб берилади. *Ер эгаси ана шу чеклар орқали хизмат кўрсатадиган ташкилотлардан бажарилган иш миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олгач, унга чек ёзиб беради. Агар йил давомида изчил назорат қилиб борилмагани ва бошқа сабаблар билан ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилган бўлса, пировардида бу ортиқча харажатлар ер эгасидан ундириб олинади.* Ёки, аксинча, харажат тежалган тақдирда у ер эгаси даромадига қўшиб берилади. Шу тарзда оиланинг оладиган учинчи даромад манбаи ҳам вужудга келтирилиб, ер эгасининг бу ишдан манфаатдорлиги оширилади.

Кези келганида шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ хўжалигидаги соҳалар, жумладан, механизация, автомобиль парки, қурилиш ва бошқа хизмат турлари тўлиқ хўжалик ҳисобида ишлаб, кўрсатган хизматлари эвазига даромад оладилар. Улар шунингдек ишчи ва ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида қўшимча пуллик хизмат ишларини ҳам ташкил этишлари мумкин.

Шундай қилиб, Оққўрғон тумани ҳудудида ер эгалари ва мулкдорлар синфи вужудга келиб, *уларнинг ер, мулк ва меҳнатдан манфаатдорлиги кучаяди. Бу эса, энг аввало, хўжаликларда моддий имкониятлардан самарали фойдаланиш ва тежамкорликни кучайтириш, сарф-харажатлар, иш сифатини назорат қилиб бориш, деҳқончиликда агротехника тадбирларини қисқа муддатларда бажарилишига эришиш, ҳосилнинг эрта пишиши учун пухта замин яратиш ва пировард натижада ер эгаларининг меҳнатдан аниқ манфаатдорлигини даромаднинг уч манбаи орқали белгилаш имконияти яратилади.*

Қишлоқда хўжалик юритиш механизмини ўзгартириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун бир қатор ташкилий тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан, оилавий пудратга ўтишга доир ҳужжатларни тузган пудратчилар билан ҳисоблаш марказида алоҳида очиладиган ҳисоб рақамлари орқали ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Биз бу ишларни ниҳоятда соддалаштиришни, уни ҳамма тез тушунадиган ҳолга келтиришни мўлжаллаяпмиз. Оилавий пудратга ўтиш кадрлар билаш ишлашда ҳам бир қанча жиддий ўзгаришлар ясашга олиб келади. Масалан, *ҳозир ишнинг бориши бошқарув тизими билан бирга ҳисоб ишлари билан боғлиқ ходимларни қисқартириш зарурлигини кўрсатмоқда.*

Яна бир янгилик шуки, келгусида мутахассислар ва раҳбар ходимларнинг тўла ахборотга эга бўлишини таъминлаш мақсадида ҳисоб-китоб ишларини компьютерлаштиришга ўтказиш ҳам режаланмоқда. *Модем алоқа усулида хўжаликлар "Пахтабанк", қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда ҳокимиятга ўрнатилган компьютерлар орқали зарур бўлганда тегишли ахборотларни олиш ва банк операцияларини амалга ошириш имкониятларига эга бўладилар.* Шундай қилинганда хўжалик раҳбарларининг бўлса-бўлмаса банк, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ҳокимиятнинг иқтисодиёт бўлимига қатнайвериши барҳам топади, иш тезлиги ошиб, *энг катта бойлик — вақт тежалади.*

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муносабати билан барча хўжалик раҳбарларини аттестациядан ўтказиш ҳам кун тартибига киритилмоқда. *Аттестация раҳбарларнинг лаёқати, билими, тажрибаси ҳамда ўзи эгаллаб турган лавозимга нечоғли мос ёки мос эмаслигини аниқлаб беради. Ислоҳот талабларига жавоб беролмайдиган раҳбарлар эса изланувчан ёш кадрлар билан алмаштирилади.*

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, айрим хўжаликларда оилавий пудратга ўтиш муносабати билан баъзи кишилар ишсиз қолишлари ҳам мумкин. Аммо улар, албатта, доимий иш билан ёки ишчи кучлари кам бўлган бошқа хўжаликларда ўзаро шартнома асосида имтиёзли тарзда пудрат усулида ер билан таъминланадилар.

Туман ҳокимлиги хўжаликни юритишнинг янгича усулига ўтишни шу йилнинг ўзида тугаллайди. Ҳозир эса барча хўжаликларда оилаларнинг катта-кичиклигига ва меҳнат қобилиятига қараб ер майдонларини тақсимлаш поёнига етказилмоқда. Бу тадбир асло кўкламга тайёргарлик кўриш ишларига ҳалақит бераётгани йўқ. Аксинча, ерга эгалик ҳисси уларда меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, ўғит тўплаш ва далага ташиб чиқариш, ариқ ва зовурларни қазиш, техникани таъмирлаш жадал давом этмоқда. Шубҳа йўқки, барча хўжаликларда баҳорги экиш мавсуми тўла тайёргарлик билан кутиб олинади.

Абдуғани ДЕҲҚОНБОЕВ,
Оққўрғон тумани ҳокими.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

БЕРЛИНДА "ЯШИЛ ҲАФТАЛИК"

"ЖАҲОН" ахборот агентлиги махсус мухбири хабар беради:

Яқинда Олмониянинг қадимий шаҳарларидан бири Берлиндаги Халқаро конгресслар марказида "Халқаро яшил ҳафталик" деб номланган қишлоқ хўжалик кўргазмаси тантанали равишда очилди. Ушбу тадбир доирасида Олмониянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати бўйича ҳамкорларининг тақдимот маросими ҳам ташкил этилди.

1998 йилда Ўзбекистон Олмония ва Шарқий Оврупанинг савдо соҳасидаги муҳим шериги сифатида кўрсатилгани табиий бир ҳол бўлди. Сиёсий барқарорлик, сармоядорлар манфаатларини ҳимоя этишни таъминловчи қонун ҳужжатлари чет эл, жумладан, немислар сармоясини мамлакат саноат ва қишлоқ хўжалиги турли соҳаларига жалб этишга кўмаклашмоқда.

Мазкур "Халқаро яшил ҳафталик" кўргазмаси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси В. Норов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Ушбу ҳайъат таркибида республика вазирликлари ва саноат ассоциациялари намояндалари, қайта ишлаш ва савдо корхоналари раҳбарлари бор эди.

"Халқаро яшил ҳафталик" кунлари "Ўзбекистон иқтисодий шерик — озиқ-овқат саноатида тижорат ва кооперациянинг имкониятлари" мавзусида конференция ҳам бўлиб ўтди. Унда Олмониянинг юздан ортиқ ширкат ва компаниялари вакиллари қатнашдилар. Анжуманда сўзга чиққан Олмония ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатларимиз ўртасида тадрижий ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида қониқиш билан гапирдилар. Ўтган йили товар айрибошлаш қарийб 1 миллиард немис маркасини ташкил этди. Мамлакатимизда олмон экспортининг миқдори 1997 йилнинг биринчи ярмидаёқ уч баробар ошди.

Олмониялик ҳамкорлар конференция минбаридан туриб, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳоладилар. Жумладан, "Ландтехник" қўшма корхонаси раҳбари Франк Шуттпельц республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил баҳоридаги Олмонияга ташрифи давомида немис тадбиркорлари билан бўлган учрашувдаги нутқини эслади.Ўшанда давлатимиз раҳбари ишбилармонларни улкан хом ашё ва катта салоҳиятга эга бўлган мустақил республика иқтисодига дадилроқ сармоя киритишга чақирган эди. Шу боис жаноб Ф. Шуттпельц "Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришган натижалари салмоқлидир" — деб таъкидлади.

Конференцияда Ўзбекистон сўнгги йиллар мобайнида ўз экспорт салоҳиятини фаол ривожлантиргани, унинг қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларига чет элларда талаб ортиб бораётгани айтилди. Республикамиз немис ширкатларига юқори сифатли сабзавот, мева, ёнғоқ, шарбат, турли винолар етказиб берувчи давлат сифатида қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонда етиштирилганноз-неъматларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши учун энг илғор технологияларни янада кўпроқ жорий этиш зарурлиги айтилди.

Шу мақсадда ўзбек ишбилармонлари ва тадбиркорлари мамлакатимизга тупроққа ишлов берувчи ва уруғчилик агрегатлари, замонавий қайта ишлаш ва қадоқлаш мосламалари етказиб бериш юзасидан аниқ лойиҳалар билан Берлинга келдилар. Чунки, анъанага кўра "Халқаро яшил ҳафталик" кўргазмаси давомида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига даҳлдор янги лойиҳалар кенг намойиш этилади.

Ўзбекистон делегациясининг Олмониядаги учрашув ва музокаралари, Оврупанинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон агросаноат мажмуига чет эл сармояларининг янада кўпроқ жалб этилишига имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бундай хайрли ишнинг яна бир кафолати бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Воқеалар тўлқинида

◆ ХИТОЙ ва АҚШ тасодифий қуролли тўқнашувларнинг олдини олишга қаратилган ахдномага имзо чекдилар. Бунинг учун икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари бир-бирлари билан доимо алоқа боғлаб туришлари лозим.

◆ 76 ЯШАР Индонезия президенти Сухарто яқинда бўладиган сайловларда еттинчи марта ўз номзодини қўйишга рози бўлганлигини эълон қилди.

◆ ШИМОЛИЙ Осетия — Аланияда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Унда Россия Давлат думаси депутати, мазкур вилоятнинг СССР давридаги партия қўмитаси биринчи котиби, фан доктори, бинойидек дипломат Александр Дзасохов ғалаба қозонди. Унинг учун 75 фоиз аҳоли овоз берди. Сайловда ғолиб бўлиши кутилган амалдаги президент Ахсарбек Галазов учун бор-йўғи 9 фоиз фуқаролар тарафдор эканлигини билдирдилар.

◆ ЭРОН Олий Мажлисининг кўпчилик ноиблари АҚШ билан ҳар қандай ижобий муносабатлар ўрнатилишига қарши овоз бердилар. Улар шу тариқа Оятулло А. Хаманаийнинг қатъий туриш йўлини қўллаб-қувватладилар.

◆ 20 ЯНВАРЬ куни Рим папаси Павел II Кубага ташриф буюрди. Фидель Кастро тузуми ўрнатилган 39 йил давомида амалга оширилган папанинг бу сафарини ёритиш учун 50 мамлакатдан 3 мингга яқин журналистлар келдилар.

77 ЁШДА — ЯНА ПАРВОЗГА!

АҚШ фазогири Жон Гленн 1962 йил 20 февралида коинотга биринчи бор парвоз қилган эди. У 4 соату 55 дақиқа ичида ер куррасини уч марта айланиб чиққанди. Сўнгги йилларда Ж. Гленн сенатор бўлди.Ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Лекин, шунга қарамай коинот мафтуни бўлган фазогир яқинда ўзини тажрибада синаб кўришни таклиф қилди. Гап қариб қолган одамнинг коинот синовларига қандай бардош бериши мумкинлиги тўғрисида бораётган эди. Анча тортишувлардан сўнг НАСА раҳбари Дэн Голдин розилик берди. 77 яшар Ж. Гленн шу йил 8 октябрида "Дискавери" кемасида парвоз қилади.

ЖИҲОД ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АЙНИ кунларда Ироқда БМТнинг жазо чораларига нисбатан норозилик кайфиятлари авжига чиқмоқда. Ироқ халқи бу жазо чораларининг олти ойда бекор қилинишини талаб қилмоқда. Бунга жавобан АҚШ давлат котиби М. Олбрайт хоним бу чоралар Ироқ БМТ хавфсизлик Кенгаши қарорларини тўлиқ адо этмагунча сақланиб қолаверади, деб баёнот берди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

• САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА номаълум безорилар Ленинниг иккита ҳайкалини қаттиқ таҳқирга дучор қилдилар. Васильевск оролининг катта шоҳкўчасида ўрнатилган ҳайкаллар қизил бўёқлар билан тўлиқ чаплаб ташланди. Уларнинг пойларига эса оғизга олиб бўлмайдиган ҳақорат сўзлари ёзиб ташланиб-ди.

• "МИ-6" — Англиянинг ўта маҳфий махсус хизмат тизилмаси ҳисобланади. Бу маҳкама ходимларининг Овруподаги "умумий бозор" бўйича шериклари бўлган мамлакатларга нисбатан жосуслик қилганлиги маълум бўлди. Бу вокеа шерик давлатлар раҳбарларини ғазабга келтирди.

• ТОКИОНИНГ Иебукуро маҳлуқотлар хонасида дунёда энг катта ҳисобланган қурбақа ҳаёт кечирмоқда. Унинг узунлиги 40 сантиметр, оғирлиги эса 3 килограммга етади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 26

I

5.05 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 1-қисм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Той бола». Фильм-концерт.
8.50 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 27-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-серия.
11.45 «Спорт, спорт, спорт».
12.05 «Телевидение ва томошабин».
12.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
13.05—14.00 Тўлқин. «Қайнар хумча». Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.25 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.45 «Фан фидойиси».
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сиёсат оламида».
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 28-қисм.
22.15 «Саодатхоним куйлаганда».
22.45 М. Зошченко. «Бехосият кун». Теленовелла.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.00 Мусиқий фильм.
19.15 «Бурч ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.50 «Камолот». Ёшлар учун кўрсатув.
22.10 «Бешинчи ўлчов».
22.30 «Дилдаги гаплар».
23.05 «Даракчи» (рус тилида).
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.35 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
00.25—00.30 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20—21.35
*
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Чотқол тизмалари». Манзарали фильм.
22.45 «Рақс ўқитувчиси». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45—00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 21.30 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «»Ҳамкорлик».
20.05 «Мусиқали танаффус».
20.10 «Жаҳон».
20.30 «Намастэ». Ҳиндистон Республикаси қунига.
20.50 «Бу бўстон аро...».
21.10 «Қўшиқ умри пойиндор».
21.35 Кинематограф. «Ҳамроз». 1-серия.
22.50 «Спорт-тайм».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 27

I

5.05 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 2-қисм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Биржа ва банк хабарлари.
8.55 «Сарви хиромоним менинг». Мусиқий дастур.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 28-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табииёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Рақс, рақс, рақс».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.10 «Олам ва одам».
12.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
12.45—14.00 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
18.50 «Исмлар тарихи».
19.05 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у ...аммо».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 29-қисм.
22.05 «Соғиндингми». Қиличбек Тожиев.
22.25 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Қорақалпоғистон.
23.10 «Мулк ва муносабат».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Джонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
20.15 Мусиқий йўлка.
20.30 «Ахборот».
21.00 Сўз хусусида сўз.
21.10 «Болливудга нигоҳ».
21.30 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Кинонигоҳ. «Бешинчи элемент». Фантастик бадиий фильм.
00.20—00.25 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30—9.00
* * *
18.20—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Замонавий дизайн».
22.55 «Рақс ўқитувчиси». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05, 21.45 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 Мусиқий дақиқалар.
20.55 «Дорихона эшитади».
21.25 «Телефакт».
21.35 «Хит-коллекция».
21.55 «Қувноқ кино».
23.25 «Дурдаршан».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 28

I

5.10 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 3-қисм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Гулла, яшна Тошкентим», «Қоядаги расмлар». Премьера.
8.55 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 29-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 «Спорт масканларида».
11.50 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
12.00 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Қорақалпоғистон.
12.45—14.00 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бировнинг молига кўз олайтирсанг...». Мульт-фильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.25 «Солиқ ва назорат».
18.45 Шарқ тароналари.
19.15 «Она бўлақолгин менга, табиат».
19.25, 19.50, 20.25, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Олтин қанотли парвозлар». Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ташкил топган кунга.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 30-қисм.
«Сомон йўли». Маърифий кўрсатувлар мажмуаси:
22.35 «Учрашув». Рўзгор.
«ББК».
23.20 «Ахборот».
«Сомон йўли». Маърифий кўрсатувлар мажмуаси:
23.45 Дунё.
Зиёрат.
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Толеъшома».
19.20 «Жозиба».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Уммонга туташ диёр». 2-кўрсатув.
20.10 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд».
21.30 Мусиқа теграсида.
21.50 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Кинонигоҳ».
00.30—00.35 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ажабтовур пицца». Комедия.
00.15—00.35 «Ахборот» (рус тилида).



IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультгомоша».
19.05, 21.15 Эълонлар.
19.10 «Оқибат». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Оҳанглар оғушида».
20.35 «Мезон».
20.55 «Нафосат гулшани».
21.20 Кинематограф. «Ҳамроз». 2-серия.
22.35 «Узоқ-яқиндан чорловчи йўллар».
23.35— 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 29

I

5.05 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 4-қисм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Маънавият хазинаси».
8.50 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 30-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ стадионларида». Спорт дастури.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Давлат ва ҳуқуқ асослари».
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Болалар учун. «Орзу».
11.50 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.10 «Мунаввар кун». Мусиқий дастур.
12.35 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 — 14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Шоирлар — болаларга.
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Санъаткор саодати». Равшан Солиҳов.
19.25, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.35 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
22.15 «Оила». Тележурнал.
22.50 «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.20 «Ахборот».
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.40 «Синфдош».
10.00 «Бари ҳазил».
10.10 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
10.35 «Жараён».
10.50 «Изҳор».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 Миллионлар ўйини.
12.25 Видео — «О».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 Дилнавоз садолар.
18.50 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Даракчи».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Гап йўқ».
22.55 «Кино жавонидан».
00.25 — 00.30 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Кашф этилмаган сирлар олами». Телекўрса-тув.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ота боладек». Бадиий фильм (АҚШ).
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.45 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «Голландияга саёҳат». 1-қисм.
20.55 «Каталог».
21.05 «Мусиқий Олимп».
21.30 Киносалон.
23.05 «Интерспорт».
23.20 «Дурдаршан».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Дилрабо тароналар.
8.45 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
9.05 «Юзма-юз».
9.25 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
10.40 «Камолот йўли».
11.00 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
11.20 «Нуроний». Тележурнал.
11.40 «Халқ ижодиёти».
12.10 «Маънавият масканлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 «Суюнчи». Бадиий фильм.
13.05 — 14.05 «Сайқал». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Чамандаги гуллармиз».
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Нима учун».
19.00 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дунё адабиёти».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Буюк келажак сари».
21.50 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
22.55 «Ватанни севмоқ иймондандур». Публицистик кўрсатув.
23.20 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.45 «Олам».
00.05 «Ғайрат». Бадиий фильм.
01.30 — 01.35 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Эркатой». Болалар учун дастур.
9.20 Дилнавоз садолар.
9.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
10.00 «Бир жуфт қўшиқ».
10.10 «Сир».
10.30 «Иймон».
11.00 «Гап йўқ».
12.00 «Кино жавонидан».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Дубль».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқа ва рақс».
21.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Енмаган ёзувлар».
22.25 «Эзгулик наволари».
22.35 «Яхши дам олинг».
22.45 «Бокс, бокс, бокс».
23.05 «Даракчи».
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 «Кинонигоҳ».
00.50 — 00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ошкора котиллик қиссаси». Бадиий фильм (Италия — Франция).
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 20.50 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.45 «Наволарда аён этсам».
20.05 «Маънавият ва Ислом».
20.20 Араб эстрадаси.
20.55 Кинематограф. «Келинлар қўзғолони».
22.15 «Йиллар ортидаги йўллар».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.50—23.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
10.15 «Шоҳруҳ клуби».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.35 «Йигит омон бўлса».
10.55 «Идрок».
*
11.15 «Яшил чироқ». Телевизион кўрик.
11.45 А. Орипов, М. Бафоев. «Ҳажнома». Оратория.
12.30 «Туркий қавмлар». Қатағон.
12.45 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
13.45 — 14.45 «Маънавият». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.25 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Барҳаёт наволар». Мусиқий дастур.
22.20 Телевизион миниатюралар театри. «Жангала тўй».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.50 Куй ва тасвир.
23.10 «Имкон чўққилари».
23.20 — 00.50 «Кулги қироли». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Тақдим».
10.25 «Дубль».
10.40 «Мусиқа ва рақс».
10.55 «Экранда мелодрама».
12.55 «Енмаган ёзувлар».
13.20 «Эзгулик наволари».
13.30 «Яхши дам олинг».
13.40 «Бокс, бокс, бокс».
14.00 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.50 «Турфа олам».
19.15 «Нафосат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 «Жаҳон халқлари эстрадаси».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Қалб таронаси».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Келгуси ҳафтада».
23.10 Видео—«О».
00.45 — 00.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20 — 23.45
*
23.45 Эълонлар.
23.50—00.15 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 Киносалон. «Тезлик-2».
13.30 «Ракурс».
14.00 «Жонли сайёра».
14.20 «Довюрак». Бадиий фильм.
16.35 «Бугунги кун мавзуси».
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Менинг кўчам».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Хайрли оқшом».
20.45 Клип-антракт.
20.55 «Иштирок этувчилар».
21.15 Жаҳон кино янгиликлари.
21.45 «Мусиқий Олимп».
22.10 Киносалон. «Фирма».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 П. Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 7-қисм.
12.10 «Зийнат».
12.30 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
12.50 Телевизион миниатюралар театри. «Жангала тўй».
13.20 «Уйла! Изла! Топ!». Телебеллашув.
14.00 Олтин мерос. «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
15.35 — 16.20 Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Тележурнал.
18.30 «Қизиқчи билан учрашув». Ҳожибой Тожибоев.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзбекистон ёш бастакорлари». А. Аскаров.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.35 «Спорт, спорт, спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.55 Кино янгиликлари.
23.10 Телевикторина.
23.20 «Бу ҳам кино». Сериал.
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.45 «Қонун ҳимоясида».
9.55 «Таянч».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Жозиба».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
12.20 «Интер-футбол».
12.40 «Киноклассика».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Болалар дунёси».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.50 «Турфа олам».
19.15 «Нафосат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 «Жаҳон халқлари эстрадаси».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Қалб таронаси».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Миллионлар ўйини».
22.50 «Келгуси ҳафтада».
23.10 Видео—«О».
00.45 — 00.50 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.50 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ширин орзулар». Бадиий фильм.
23.25—23.45 «Тоғ қўлларининг сири». Телефильм.

IV

10.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
10.45 «Рақслар қанотида».
11.10 Эълонлар.
11.15 «Ассалом, Франция!».
11.40 «Шанба эртаги».
13.15—13.45 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультгомоша».
19.00, 22.45 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Спектаклдан сўнг».

СИЗ МУҲАББАТ БЕРИНГ АЁЛГА...

Тонг ёришаётир...

ҲАДЕМАЙ яна бир янги кун қайноқ ҳаёт қучоғига йўл олади. Янги кун... Мен эса ҳамон деразам ёнида қўлимдаги мактубларга термулганимча қотиб ўтирибман! Ана, Чўлпон юлдузи кўк тоқида олтинланаётир. Қушлар саҳарни олқишлаб чуғурлашмоқда. Дарахтлар саҳарги шабадада маҳзун шитирлайди. Атроф нурдай тоза. Аммо... Қўлимдаги мана шу мактублар эгалари табиатнинг бундайин чиройига парвосиз, қайсидир гўшаларда бетину-бедор ўтиришгандек, назаримда. Балки, дилларидаги ғам-ҳасрат юкини қай томонга улоқтиришни билмай чора ахтаришаётгандир?! Хатни очаяпману, қўлим титрайди. Гўё сатрлар орасидан мунглуғ чеҳрали бир аёл чиқиб келиб, менга дардларини оҳиста сўйлаётгандай...

БИРИНЧИ МАКТУБ

"...ОЧИҒИ, қийналиб кетдим, опа. балки, ношукурлик қилаётгандирман. Ахир учта гулдек фарзандимиз бор. Эрим йирик бир фирманинг бошлиғи. Эл-юрт назарида биз "бадастур-бахтли" хонадон саналамиз. Лекин, сизга айтсам... турмуш қурганимизга ўн беш йил бўлибдики, эримнинг бирор марта ишдан эртароқ қайтиб, биз билан дастурхон атрофида бирга ўтирганини эслай олмайман. Нуқул ярим кечада, ширакайф кириб келадилар. Мен эса худди устига оғир юк ортилган бир аравага ўхшайман. Уй, ишхона, мактаб, боғча, дўкон, бозор... Бу арава кунига шу манзиллар ичра айланиб юради. Ёмғиру-селми, бўронуқорми барибир, арава зил-замбил юки билан айланаверади, айланаверади. Ўхшатишим бироз кулгилидир. Лекин, нима қилай, шу пайтгача бирор кимса "Ҳой, аёл, тўхта! Сен ҳам инсонсан. Бироз дам ол, кел, юкингни мен кўтаришай" демаган. Байрамларда болаларимнинг боғча опаси-ю, муаллимларига совғалар элтаман, яхши сўз айтиб гуллар тутқазаман. Лекин бирор кимса менга ҳам бир сўз айтиб, бир дона гул узатмайди!

Бир куни аламим келиб, бор дардимни умр йўлдошимга тўкиб солдим. Шунда у киши: "Қўлингга ошиғи билан пул бериб турган бўлсам, сенга яна не керак, ҳайронман?!" дея елка қисдилар, сўнг алланимани баҳона қилиб яна кўчага чиқиб кетдилар. Бўшашиб ўтириб қолдим. Ахир ҳамма гап пулдами? Менинг тўрт девор орасида зир югуришларимга рағбат йўқ, оғир юкдан эзилган вужудимга дармон, шикаста руҳимга малҳам йўқ. Бу нарсалар пулга топилмайдику! "Бўйимдай бўй топдиму, кўнглимдай кўнгил топмадим" деган экан қадимда биров. Менинг кўнглим... Эртанги кунимни ўйласам кўнглим чўкади. Қачонгача шундай яшайман? Қачонгача?»

Аёлнинг кўнгли нозик, сирли. Мураккаб... Бу кўнгилга йўл топмоқ ундан-да қийин. Аёлга гул ўрнига пул, меҳр ўрнига қаҳр тутсангиз, дили оғрийди. Соф туйғуларига дарз етади. Бу аёл қисмати нима билан тугайди? Унга не деб тасалли бермоқ керак? Эҳ, нотаниш синглим-а! Аслида ҳар биримиз эртанги кундан мўъжизалар кутиб яшамоғимиз лозим. Мўъжиза балки бугуноқ рўй берар, балки эртага... Мен ўша эркакнинг сизни тушуниб етишини, кеч бўлсада кўнглингиз шоҳсупасидан жой олишини жуда-жуда истайман. Чунки, сиз шунга лойиқсиз. Суюкли шоиримиз мана бу сатрларни Сиз каби аёллар учун ёзганлар:

Аёл, олам чароғи,
нур бўлиб дунёга келгансан,
Меҳр дарёси ичра дур бўлиб
дунёга келгансан...

ИККИНЧИ МАКТУБ

"...ҚИШЛОҒИМИЗДА мени ҳамма оқила қиз деб мақташарди. Мактабда яхши ўқирдим, каттакичикнинг иззатини жойига қўярдим. Қўшнимизнинг қизи Наргиза билан бирга ўсганмиз. Кўрганлар "Бу икки дугона бир-бирига сира ўхшамайди-я" деб кулишарди. Дугонам мендек сипогина бўлиб юрмасди, аксинча овози борича кулар, бўяниб-ясанар, йигитлар эътиборини тортишни яхши кўрарди. Ҳозир Наргиза бир этак боланинг онаси. Боғ-роғли ҳовлининг бекаси. Мен эса ҳали турмушга чиққаним йўқ. Ёшим ўттиз бешдан ошди.

Дилдаги гаплар

Эсимда, бир пайтлар йигитлар менинг ҳам изимдан юришар, севги изҳори ёзилган қоғозларни девор оша ҳовлимизга ирғитишарди. Мен уларнинг бу хатларини кўзлари олдида йиртиб-йиртиб ташлардим. Ўзларини эса кувиб солардим. Энди билсам... Ўшанда мен ўз бахтимни қувлаган эканман! Мана йилларки, ўша бахтнинг қайтишини кутаман. Ҳар куни кечқурун почта қутисини очиб кўраман. Гарчи у бўм-бўшлиғини билсам ҳам шундай қиламан. Негаки, ғойибдан биров мени излаб келадигандек, туюлаверади. Умрим ўша нотаниш бировни кутиб ўтаётир. Гоҳида икки уч аёл ўртасига тушиб қолсам, дарров "фолбинга боринг, қоқиндиқ. Йўлингизни кимдир боғлагандир" дея писанда қилишади. Энди аёллардан ҳам ўзимни четга оладиган бўлиб қолганман. Илтимос, мени тўғри тушунинг. Ҳаётнинг қизиғи қолмади мен учун. Нима қилай?!".

Мактуб эгасининг илтижолари мени изтиробга солди. Ич-ичимда шу қизга нисбатан ачинишими, ҳамдардликми, меҳрми... аллақандай исмсиз туйғулар уйғонганини сездим. «Сен Зуҳросан, Тоҳири дуч келмаган!». Қаерда ўқиганман, бу сатрларни? Қачон? Зуҳронинг айби нимада? Ахир у Тоҳирини излаб йўлга чиқолмайди-ку! Қиз боланинг бундай ишга журъат этмоғи ноўрин. Тоҳир-чи? Нега у жим? Нега у ўз бахтига пешвоз чиқмаётир? Нега?» Янги Кун сизга бахт олиб келсин, синглим, — дея ёза бошлайман мен. — Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир. Сиз бахтли бўлмоққа ҳақлисиз..."

УЧИНЧИ МАКТУБ

"МУҲАББАТ бор десалар, ишонмасдим. Энди эса... Йигирма уч ёшимда унинг асири бўлиб ўтирибман. Кунларим тунга, тунларим тонгга қоришиб кетадики, сезмайман. Ҳаёлимда фақат ўша йигит. Илк бор уни дорихонада навбатда турганимизда учратдим. Ўшандаёқ юрагим "жиз" этган, "Мен орзу қилган йигит шу" деб ўйлаганман. У мен билан икки-уч оғиз сўзлашди-ю, сўнг дори-дармонларни олиб чиқиб кетди. Мен шу ернинг ўзида дардимга даво тополмай қолаверди. Икки йилки, ўз ёғимга ўзим қовриламан. Сиз хатимни ўқиб, "қийналиб юрмасдан ўша йигит билан тақдирингни боғламайсанми?" демоқчидирсиз. Ҳамма гап шунда-да. Ўшанда суриштирсам, йигитнинг оиласи, икки фарзанди бор экан. Бир-икки маротаба қизлик ғуруримни енгиб, олдидан тўсиб чиқдим. У бўлса мен билан илиққина саломлашди-ю, ўтиб кетди! Аламимдан уни унутмоқчи бўлдим. Лекин, эплолмадим! Севгим ўзимдан ҳам ғолиб чиқди. Буёғи нима бўлади, билмайман. Билмайман..."

О, менинг ой синглим-а. Ойлардан-да гўзал синглим-а. Сенга не дейин? Бу ҳосиятли кунларда сенга қандай тилак билдирай. Муҳаббат тилайинми? Йўқ, бу муҳаббат сенга бахт беролмайди! У муҳаббатнинг эгаси бошқа бир аёл. Ахир, ҳаётда ҳар биримиз ҳам мушкул аҳволга тушиб қолишимиз мумкин. Бундай ҳолатдан бизни ким қутқаради? Ўзимиз эмасми? Инсоннинг ўзидан ҳам кўра яқинроқ сирдоши дўсти йўқ. Сен ҳам ўзингни ўзинг қутқар, сингилжон. Соф туйғуларингнинг эгаси бошқа киши эканини ва уни сен қачондир, албатта, учратишинг мумкинлигини унутма. Шунга ўзингни ишонтир. Яна шуни ҳам унутмагилки, донишмандлардан бири шундай сўз айтиб қолдирмиш: "Севсангу, севилмасанг, севгингга жавоб бўлмаса — бу муҳаббат эмас!".

Турфа мактублар, турфа тақдирлар...

Аслида ҳаётимиз, мақсад-ўйларимиз ҳам турфа хил. Инсон мана шу хилма-хилликлар ичра бахт излаб яшайди. Инсонлар бир-бирларининг ҳаётига, келажагига даҳлдордирлар. Бу эса уларни инсонийлик оламига яқинлаштиради, бирлаштиради. Шу учун ҳам биз инсонлар ҳамиша бир-биримизга ҳамдарду-ҳамнафас, таскину-тасалли бўлиб ҳаёт кечирамиз.

Олдинда бизни мусаффо тонг — янги кун қаршилаётир. Ўзимизни хатолардан четлаб, дилимизга ёруғ ниятларни жо этиб, шижоату журъат билан янги кунга пешвоз чиқайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.



ЧИРЧИҚ шаҳар Ички ишлар бўлими ДАН ходимлари ўзлари оталиққа олган мактабларда тез-тез бўлиб, ўқувчилар ўртасида кўча ҳаракати қоидаларига оид суҳбатлар ўтказишади. Бундай тадбирлар эса, ўз самарасини бермоқда.

СУРАТДА: ДАН ходими, милиция старшинаси Абдумалик Муҳсинов шаҳардаги 2-гимназия ўқувчилари билан суҳбат ўтказмоқда.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

АВТОМАШИНАНГИЗ СОЗМИ?



Орамизда автотранспорт воситаларидан фойдаланмайдиган кишининг ўзи йўқ. Биримиз ўз шахсий машинамизни бошқарамиз, яна биримиз жамоат транспортида юрамиз. Яна бир қатор фуқаролар эса ҳайдовчилик касбини эъзозлаб, корхона, хўжалик, муассасаларга қарашли трактор, автомашина ва бошқа техника воситаларини бошқарадилар. Шундай экан, уларни доимо техник жиҳатдан соз ҳолда бўлишини таъминлаш, аввало, инсон, қолаверса, атроф-муҳит муссаффолиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

ДАН БУРЧАГИ

Шунинг учун ҳам яқинда вилоят ҳокими **"Механик нақлиёт воситалари ва тиркамаларни давлат техник кўригидан ўтказиш тўғрисида"** махсус фармойиш қабул қилди. Фармойишда таъкидлаганидек, республикамизда механик нақлиёт воситалари ва тиркамаларини давлат техник кўригидан ўтказиш низомига мувофиқ, техник кўрик давлат автомобиль назорати томонидан корхоналар, муассаса ва ташкилотларга қарашли механик нақлиёт воситалари ва тиркамалари **1 мартдан 30 июнгача**, шахсий мулк ҳисобланган нақлиёт воситалари ва тиркамалар икки йилда бир маротаба **1 январдан 31 августгача** шахсий мулкдаги автобус, мўъжаз автобус ва юк автомобиллари эса йилда бир маротаба **1 январдан 31 августгача** техник кўрикдан ўтказилади. Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, 1998 йилда фуқароларнинг жуфт йилларда ишлаб чиқарилган ва 1997 йилда турли сабабларга кўра техник кўрикдан ўтмай қолган нақлиёт воситалари ва тиркамалари ҳам кўрикдан ўтказилади.

Фармойишда вилоятнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликларида техник кўрикка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, шу йилнинг 1 февралигача автонақлиёт корхоналари раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказиш вазифаси юклатилди.

Кўрикка тайёргарлик ишлари нималардан иборат? Фармойишда бу масалалар ҳам аниқ ва лўнда ифода этилган. Биринчидан, давлат автомобиль назоратининг шаҳар ва туманлардаги бўлинмалари ушбу шаҳар ва туманларнинг мудофаа ишлари бўйича бўлинмалари билан ҳамкорликда **25 январгача автонақлиёт воситаларини техник кўрикдан ўтказишни** умумлаштириш бўйича жадваллар ишлаб чиқиб, уни шаҳар ва туман ҳокимлари тасдиғидан ўтказмоқлари шарт. Шунингдек, шаҳар ва туман ҳудудларида техник кўрикни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун давлат автомобиль назорати, мудофаа ишлари бўлимлари вакиллари ва автоҳўжаликлар муҳандис-техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг иш режалари ҳокимликлар тасдиғидан ўтказилиши лозим.

Одатда корхона ва муассасаларга қарашли автонақлиёт воситалари шу жойларнинг ўзида техник кўрикдан ўтказилади. Лекин шуни эслатиб ўтиш жоизки, **техник кўрикни ўтказишга шароити бўлмаган** корхона, муассаса ва ташкилотларга қарашли автонақлиёт воситалари ДАН бўлинмалари қошидаги техник назорат тармоғида ёки шу шаҳар ва тумандаги шароити мавжуд бўлган автонақлиёт корхоналарида кўрикдан ўтказилади.

У шу тадбирнинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб, мулкчилик кўринишидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларидан **техник кўрик бошланишидан 15 кун олдин** вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармасининг туманлараро рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмалари ҳамда рўйхатлаш ва имтиҳон олиш пунктларида корхона ёки муассаса ҳисобидаги нақлиёт воситаларини шу идорага тегишли эканлигини яна бир бор текширувдан ўтказиб, техник кўрик учун тўланиши шарт бўлган **йўл солиғи, мажбурий суғурта тўловларини** ўз вақтида маҳаллий банкларга ўтказиш мажбурияти юклатилади.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, йўловчилар ташиш билан шуғулланадиган корхоналарнинг автонақлиёт воситалари бевосита шаҳар ва туман ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлинмалари бошлиқлари ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармаси ходимлари иштирокидагина ўтказилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, автонақлиёт воситаларининг техник соз бўлишини таъминлаш ҳаётий заруратдир. Шундай экан, жойлардаги ДАН бўлинмалари, ички ишлар ходимлари билан биргаликда ҳудудлардаги автонақлиёт воситаларининг юз фоиз техник кўрикдан ўтишини ташкил этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўришлари керак.

Агар шахсий автомашина эгаларида ёки корхона, ташкилот, муассасаларда техник кўрикни ўтказиш бўйича бирон муаммо ва саволлар юзага келса ҳудудлардаги давлат автомобиль-назорати бўлинмаларига мурожаат қилсалар дарҳол тегишли жавобларни олишлари мумкин.

Шундай қилиб, бутун республикамиздаги сингари вилоятимизда ҳам катта тадбир бошланмоқда. Ўйлаймизки, бунга мутасадди раҳбарлар ва шахсий автомашина эгалари масъулият билан ёндашадилар ва бу техник кўрик барча шаҳар ва туманларда муваффақиятли ўтади.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қарағанда 24—28 январь кунлари Тошкент вилояти тоғли туманларида қор ёғиш эҳтимоли бор. Баъзи жойларда туман тушади. Ҳарорат дастлабки кунларда кечалари 9—14, кундуз кунлари 2 даража совуқ ва 3 даража илиқ атрофида бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб ҳаво ҳарорати аста кўтарила бошлайди. Кечалари 4 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари 5 даражадан 10 даражагача илиқ бўлади.

ЭЪЛОНЛАР

БУЮРИШ СИЗДАН, ХИЗМАТ БИЗДАН!

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига.

"Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими шу йилнинг 15 февралигача жойларда "НАВРЎЗ" тантаналарини комплекс ташкил этиш ёки бадиий жамоалар ҳамда яккахон хонандалар билан таъминлашга буюртмалар қабул қилади.

Буюртмаларга ҳақ тўлаш келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 64-84-93, 64-83-43
Манзилимиз: Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, Марказий кўча, 85 уй.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси Тўйтепа металлар конструкция заводи директори

Николай Петрович ГАЙДУКнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

SPORT *SPORT* *SPORT* *SPORT*

МАВСУМ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНА 15 кундан сўнг олий ва биринчи табақа жамоалари мавсумнинг дастлабки учрашувларини ўтказиш учун майдонга тушадилар.

Гарчанд шу кунларда кўплаб жамоалар ва Тошкентда мавсум олди тараддудини кўраётган чет эл жамоалари ўртасида ўртоқлик ўйинлари ўтказилаётган бўлса-да, расмий турнир 10 февралда бошланади. 1979 йилда авиация фалокатида ҳалок бўлган Пахтакорчилар хотира турнирида ватанимизнинг энг кучли жамоалари қатори бошқа мамлакатлар жамоалари ҳам қатнашиши кўзда тутилмоқда.

Янги мавсум эса 18 мартда старт олади.

Ҳар йилдагидек, жамоаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. "Навбаҳор" жамоаси мураббийлари алмашганини хабар қилган эдик. "Пахтакор" жамоасига бу йил бразилиялик мутахассис Вега де Сильва бошчилик қилади. Унга Аҳмад Убайдуллаев ва Тўра Шоймардоновлар ёрдамлашадилар. Бошқа клубларнинг бир қатор етакчи ўйинчилари қатори "Дўстлик" жамоаси аъзолари Рустам Шойимардонов ва Отабек Пирматовлар ҳам "Пахтакор" сафида ўйнаш истагини билдиришди. Мухлислар ўтган йилнинг энг моҳир ҳужумчиси бўлган Жафар Ирисметовни... Ўзбекистоннинг бирор жамоасида кўролмайдилар. У Сергей Лебедев ва Равшан Бозоровлар қатори Россия чемпионатида қатнашиш ниятидадир.

ЧИРЧИҚ ВА БУХОРОДА

МИНИ футбол бўйича республика иккинчи биринчилигининг дастлабки босқич ўйинлари Чирчиқ ва Бухоро шаҳарларида ўтказилмоқда.

Чирчиқ гуруҳида бўлиб ўтган дастлабки учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Ирмаш-А" (Андижон)— "Трамвайчи-2" (Тошкент) — 3:3, "Турон-С" (Андижон) — "Восток" (Тошкент) — 2:0, ЭКС (Чирчиқ) — "Дўстлик" (Жиззах) — 4:1. Бухоро гуруҳида эса энг йирик ҳисоб Муборакнинг "Машъал" ва Учқудуқнинг "Лочин" жамоалари ўртасида қайд этилди. "Машъал" 9:1 ҳисобида устун келди.

БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАСАДА, ҒОЛИБ БОШҚА

ШОХМОТ бўйича пойтахт биринчилиги баҳсларида 60 дан зиёд спортчи дона сурди.

Уларнинг қарийб 20 нафари спорт устаси ва спорт усталигига номзодлар эди. Олий табақа вакили Равил Кагиров мусобақада конкурсдан ташқари ўйнади. У швейцарча услубда ўтказилган баҳсда 7,5 очко тўплаб биринчи ўринни эгаллаган бўлсада, чемпионлик Б. Лебедевга насиб этди. Чемпион А. Юнусов ҳамда В. Коваленколар билан тенг — 7 тадан очко тўпладилар. Очколар коэффициентига кўра Б. Лебедев биринчи ўринни эгаллади. А. Юнусов билан А. Красилниковлар спорт усталигига номзод, 9 ёшли Темур Гареев биринчи разряд талабини бажарди.

У. ШАРОПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0890. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.031 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00.